



MIKROKREDITBANK

Инкирозга қарши чоралар дастури ушбу глобал муаммонинг ечимини топишга кўмаклашмоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган туб иқтисодий ислохотларда давлат ташаббускор бўлаётгани туфайли жаҳондаги кўплаб йирик ишлаб чиқариш компанияларининг тинчасини қуритган молиявий-иқтисодий инкирознинг таъсирини қамайтириш имкони туғилмоқда. Айниқса, мамлакатимизда ишлаб чиқилган Инкирозга қарши чоралар дастури ушбу глобал муаммонинг ечимини топишга кўмаклашмоқда.

Кейинги пайтларда жаҳон миқёсида қудратли яратувчи кучга айланган бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси тараққиётига мамлакатимизда ўз вақтида катта эътибор жалб этилгани ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 майдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони билан соҳани молиялашга иқтисослашган микромолиявий ташкилотнинг иш бошлагани мамлакатимизда иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш вазифасига фояз ўзқони кўлаб ёндашилаётганидан далолат беради. Мазкур микромолиявий институт ташкил этилгандан кейинги ўтган тўрт йил давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 268 миллиард сўмлик микромолиявий хизматлар кўрсатди ва мамлакатимизда 250824 та янги ишчи ўринлари яратди. Шунинг учун ҳам таъкидлаш жоизки, бугунги кунда янги ички маҳсулотда кичик бизнеснинг ҳиссаси 50 фоизни ташкил этётган экан, бу яратувчилик ишида "Микрокредитбанк" очик ақиддорлик тижорат банкининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Авалло шунга айтиш керакки, "Микрокредитбанк" миқозларига янгича услубда хизмат кўрсатадиган замонавий микромолиявий ташкилот ҳисобланади. Янгича хизмат, биринчидан, банк билан миқознинг мулоқотида кўзга ташланади. Аҳолининг барча қатламларини ўз хизматлари билан қамраб олиш учун банк республиканинг барча ҳудудларига, ҳатто, узоқ қишлоқ ва овулларга кириб бори. Турли жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда тадбиркорлик учун имкониятлари ва маҳалларда истиқомат қилаётган оилалардаги талаб ва эҳтиёжларни ўрганиб. Республиканинг барча ҳудудларида ўтказилган учрашувлар, семинарлар тадбир-

нинг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳам айтиш мумкин бўлди.

Ушбу йўналишда банк эътиборга сазовор ишларни амалга ошириб келмоқда. Хусусан, банк икки йилдан буён "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Ўзбекистон Савдо-сановат палатаси билан биргаликда ўтказиб келинаётган "Еш тадбиркор — юртга мададкор" танлови ишбилармон ёшларга қаратилаётган эътиборнинг яна бир намунасидир.

"Еш тадбиркор — юртга мададкор" бизнес лойиҳалар танловининг кичик қорхоналар очиб, яқна тартибдаги меҳнат фаолиятини ташкил этиш, оилавий бизнес, тижорат ва ка-

— "Микрокредитбанк"дан уч миллион сўм имтиёзли кредит, яъни микросармоя олдим, — дейди Гулнора. — Бу маблагга нухса кўчириш апарати, тикув машинаси ҳамда компьютер хизматлари анжомларини сотиб олдим. Ҳозир маҳаллага турли хизматлар кўрсатиш билан биргаликда, ёшларига замонавий элита парда тикишни, чеварлик хунарларини ўргатайман.

Имтиёз ҳам, кўмак ҳам ёшларга

Ўтган йили банк томонидан иш билан банд бўлмаган, илк бор тадбиркорликка қўл урган фуқароларга бошланғич сармоя учун 13 млрд. сўмдан ортиқроқ миқдорда микрокредитлар ажратилди. Бошланғич сармоя сифатида микрокредит олган тадбиркорлар

лари учун кенг шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Яқинда Гулнора шаҳрида бўлиб ўтган Сирдарё вилояти меҳнат ярмаркасида "Микрокредитбанк"нинг коллеж битирувчилари билан олиб бораётган ҳамкорликнинг илк босқичи муносиб яқинини топди. Яъни вилоят коллежлари битирувчиларининг синовлардан ўтган, билим ва хунар сирларини яхши эгаллаган, пухта ва ишончли бизнес режаларига эга бўлган 220 нафар битирувчисига бошланғич сармоя сифатида микрокредитлар ажратилди. Коллеж битирувчилари имтиёзли микросармояларга эвазига ўзларининг севган касб-хунарлари асосида тадбиркорликни ташкил этишди. Бу ҳолда, аввало, ўзлари иш билан банд бўлишлари баробарида маҳалладашларини ҳам



лаба", "Энг яхши банк хизмати гоёси" сингари номинациялар бўйича амалга оширилмоқда. Танлов низоми ишлаб чиқилди. Унга асосан, танловда голиб чиққан ва ушбу номинацияларни эгаллаган талабаларни 500 миң сўмдан 1,5 млн. сўмгача моддий рағбатлантириш кўзда тутилган. Демак, йил давомида талабаларнинг ўзлаштириши, билим савияси, хулқ-атвори, жамоатчилик ишларидаги иштироки банк мутахассислари ва институт ўқитувчилари томонидан қузатилади, ўрганилади.

Устоз — шогирдлик аёнанази

Ишга қабул этилган ёш мутахассислар билан иккинчи мактаб — амалий ҳаёт сабоғини ташкилотлари билан фаол иш олиб бориб, ташаббускорликни қўллаб-қувватлаш, ёш мутахассисларнинг сифат тарбияси юқори босқичга кўтаришга ақидан ёрддам бермоқда. Яқинда Навоий шаҳрида қорхона, ташкилот ва муассасалар ёшларининг қирик-танлови бўлиб ўтди. Илк мартаба ўтказилган бу анжуманда "Микрокредитбанк"нинг ёшлар ташкилоти "Энг намунали бошланғич ташкилот" номинацияси бўйича голиб бўлди.

Мутахассисларга қўйилаётган бугунги талаб шундан иборатки, аввало, банк ходимининг ўзи тадбиркор бўлиши лозим. Иқтидор эгалари бўлган бундай ёш мутахассисларни, аввало, топиш, кейин уни тарбиялаш лозим. Чунки ана шундай сифатга эга бўлган инсонлар жамиятга кўпроқ фойда келтира оладилар.

Қишлоқнинг тадбиркор қизи

Бугунги кунда келажакимиз эгалари бўлган ёшларда тадбиркорликка қизиқиш кучли. Бизнинг маҳаллаида ёш тадбиркор Мазмура Жамолова ўтган йили иш бошлаган эди. У туманимиздаги Иқтисодий коллежини тамомлагандан сўнг уч ойлик тикувчилик курсида хунар сирларини пухта эгаллаб, ўз бизнесини ташкил қилди. Аслида чеварлар оиласидан чиққан бу қиз "Микрокредитбанк"дан 3 миллион 300 миң сўм бошланғич сармоя олиб, айни Навоий шаҳрида кунги "Оқшўх қўшиғи" хусусий қорхонасини очди.

Ҳозир қорхонанинг гўзаллик саломида замонавий сох турмаклаш, юз пардози, маникюр-педикюр хизматлари, турли либосларни ижарага бериш йўлга қўйилган. Тикувчилик ҳақида келинлар учун зарбон либослар тикилмоқда. Илгари шу каби хизматлардан фойдаланиш учун узоқ йўл юриб, туман марказига бориб келишга тўғри келарди. Шу боис ушбу хизматларнинг қишлоғимизда йўлга қўйилиши аҳолиимиз учун аниқ мудабо бўлди. Қолаверса, ҳозир қишлоғимизда ҳам деврли ҳар қуни тўй. Шу боис ёш тадбиркорнинг қўли-қўлига тегаётгани йўқ. Ёш тадбиркор қишлоғимиздаги ўзи сингари ўн нафар қизга доимий иш ўринлари ташкил этди.

Яқинда ўз маҳсулотлари билан катта-катта қўрғазмаларда иштирок этиб, шу орқали хорижий бозорларга ҳам чиқариш эканини эшитиб, эндигина 20 ёшни қаршилаган тадбиркор қизимизнинг оруз-режаларидан жуда қувондим. Мана шундай серғайтаб, ташаббускор ёшларимизни юртимизнинг ҳақиқий маънада эртанги кун эгалари, ҳеч қимдан кам бўлмайдиган баркамол фарзандлари деса бўлади.

Зулайхо Мирзоева, Оқолтин туманидаги "Аҳлилик" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.

Улар давра сўхбатлари, долзарб мавзулардаги тематик кечалар, учрашувлар ва мусохабалардан иборат. Ёшлар даврасига тез-тез республикамизнинг таниқли кишилари, турли шарафли касб эгалари, машҳур спортчилар, ёзувчилар, санъаткорлар ташириб буюрадилар. Бу сингари тадбирлар, айниқса, Баркамол авлод йилида юқори босқичга кўтарилди.

«Микрокредитбанк»: ЁШ ТАДБИРКОР — ЮРТГА МАДАДКОР

маркази билан ўзаро ҳамкорлик юзасидан битим имзолади. Унга қўра, республикамиздаги касб хунар коллежлари ва академик лицейларнинг яхши билим, касб ва хунар кўникмаларига эга ўқувчилари, айниқса, битирувчилари ўртасида тадбиркорлик фаолиятини тарғиб ва ташвиқ қилиш йўлга қўйилди. Мазкур ўқув юрларида банк вакиллари билан учрашувлар, тадбиркорлик дарслари ўтказила бошланди. Айниқса, коллеж ўқувчилари ишлаб чиқариш амалиётини банкнинг миқозлари ташкил этган қорхоналарда ўтай бошладилар.

"Микрокредитбанк" ўз миқозларининг ишлаб чиқариш борасидаги режаларини молиялаш билан биргаликда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш йўналишида ҳам кенг қўламли ишлар олиб бормоқда. Коллежларда ўтказилган учрашувларда банк томонидан ёшларга кенг қўламли консалтинг хизматлари кўрсатилди. Жумладан, тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар ажратишда тақдим этиладиган ҳужжатларни тайёрлаш, пухта бизнес режалар тузиш, олинган микросармояларнинг самарадорлигини таъминлаш бўйича амалий кўникмалар бериб борилади.

Бу саъй-ҳаракатларнинг асосини жойлардаги семинарлар, амалий кўрсатмалар ва учрашувлар ташкил этди. Хар йили ўтказилаётган бундай анжуманларда коллеж битирувчилари фаол иштирок этмоқдалар. Улар микрокредитлар эвазига ташкил этилган маҳсулотлар, товарлар кўрсатмаларида қатнашиб, тадбиркорлик билан мулоқот қилиш имконига эга бўлмоқдалар. Бу сингари тадбирлар коллеж битирувчиларида тадбиркорлик борасида амалий кўникмалар пайдо бўлишига ёрддам бермоқда. Ўтказилган ҳар бир тадбирда аниқ ва ишончли бизнес режалари бўлган ўнлаб битирувчиларга бошланғич сармоя учун сертификатлар топширилмоқда.

Халқаро рейтинг баҳоси

"Fitch Ratings" Халқаро рейтинг компанияси томонидан "Микрокредитбанк" очик ақиддорлик тижорат банкининг — 2010 йилги жорий рейтингини берилди. Унда банкининг молиявий ҳолати, яъни зиммасидаги молиявий мажбуриятларини ўз вақтида бажара олиш қобилиятига узоқ муддатли "Барқарор" рейтингини баҳолагани яна бир бор тасдиқлади.

корлар учун консалтинг хизмати вазифасини ўтади. Банк ўзининг илк қадамларидан оқиб ёшлар ва хотин-қизларни ўзининг энг яқин ҳамқори сифатида қабул қилди ва улар билан мулоқот самарали мулоқотлар олиб бормоқда.

Мижозлар билан мулоқот

Давлатимиз раҳбари Конституцияимиз қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантаналидаги маърузасида: "Айни пайтда касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртиларини битириб чиқаётган ёшларимиз эгаллаётган энг замонавий билим ва кўникмаларни амалда жорий этиш учун уларни кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасига кенг жалб қилиш масаласига принципиал аҳамяти берилиши ва бу вазифа дастурда ўзининг муносиб ўринини топиши даркор" деган эди. Дарҳақиқат, ҳар қандай касб-хунарга ёшилгандан меҳр қўйиб, унинг сир-асрорларини кунт билан ўргангаларига ўз соҳасининг чинакам билимдонига айландилар. Шу боис банк тадбиркорлик соҳасига ўз билим-маҳорати, куч-ғайратини астойдил сафарбар этиш-

Ишончли ҳамкор

Мамлакатимизда аҳолининг асосий қисмини ёшлар ташкил этишди. Шу туфайли истиклол йилларида ёшларга эътибор ва ғамхўрлик кучайди. Навқирон авлоди, айниқса, унинг иқтидорли ва истеъдодли вакиллари қўллаб-қувватлаш устувор масалага айланди. Президентимиз томонидан жорий йилининг "Баркамол авлод йили" деб эълон қилиниши бу борада яна бир салмоқли қадам бўлди. Давлатимиз раҳбарининг кунчи кеча матбуотда эълон қилинган "Таълим муассасала-

саначиликни ривожлантириш орқали янги иш ўринларини яратиш мақсадларига қаратилган бежиз эмас. Мазкур танлов ёшларда бозор иқтисодиёти тамойилларини, мулкка эгаллик кўникмаларини ҳосил қилишга, шунингдек, янгича фикрлайдиган тадбиркорлар синфини шакллантиришга ёрддам бермоқда.

Эътироф этиш жоизки, танловда қатнашаётган ёшларнинг



бизнес лойиҳалари йилдан-йилга такомиллашиб, ўзининг долзарблиги билан муҳим аҳамяти касб этапти. Ёшлар кейинги йилларда интернет провайдер хизматларига, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга, туризм соҳасига, қишлоқларда замонавий хизматларни ташкил этишга, аҳоли учун зарур маҳсулотлар тайёрлаб, ички бозоримизни бойитишга алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

Танловнинг ўтган йилги ҳудудий босқичларида 2 500 нафардан ортиқ ёшлар иштирок этди. Республика босқичида эса 80 нафар ёш тадбиркор қатнашишга муваффақ бўлди. Уларнинг 27 нафари голиб деб топилди. Танлов доирасида 1 192 нафар ёш тадбиркорга бошланғич сармоя учун 2 миллиард 384 миллион сўм миқдорда микрокредитлар ажратилди. Ёшлар ўзларининг лойиҳаларини амалга ошираётган айни пайтда кўмак сифатида бу микросармояларнинг фоизлари банкка "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши томонидан тўлаб берилмоқда.

Танловнинг қай даражада кенг қамровли эканлигини ундаги рағбатлантирувчи мукофот учун таъсис этилган номинацияларнинг хилма-хиллигини ҳам англаб олиш мумкин. Жумладан, "Энг ёш тадбиркор", "Энг ёш тадбиркор аёл", "Энг яхши инновацион лойиҳа", "Чекка қишлоқдаги энг яхши тадбиркор", "Хизмат кўрсатиш соҳасидаги энг яхши лойиҳа", "Хунармандчилик бўйича энг яхши лойиҳа", "Ахборот технологияси йўналишидаги энг яхши лойиҳа", "Ишлаб чиқариш йўналиши бўйича энг яхши лойиҳа", "Қишлоқ хўжалиги бўйича энг яхши лойиҳа", "Энг яхши бизнес-тренер", номинациялари бўйича голиблар аниқланди ва улар тақдирландилар.

"Еш тадбиркор — юртга мададкор" лойиҳаси доирасида республиканинг барча вилоятларида ишчи гуруҳлари фаолият олиб борди. Улар томонидан ёш тадбиркорларга "Камолот" тавсияномалари асосида имтиёзли микрокредитлар ажратиш йўлга қўйилди. Масалан, наманганлик Гулноза Исмоилова танловнинг "Чекка қишлоқдаги энг ёш тадбиркор" номинацияси голиби бўлди. Уйчи туманидаги "Ойшабон" ўқув-марказида иш бошлаган Гулноза зиммасига ўзи туғилиб ўсган узоқ қишлоқдаги бир неча хизматларни амалга ошириш вазифасини олади.

жами миқозларнинг 50 фоизини ташкил этаётгани эътиборга олинди. Бинобарин, микросармоялар ҳажми бирмунча кичик-кичик бўлса ҳам, бу маблаг неча юзлаб тадбиркорларнинг оруз-мақсадларини рўёбга чиқаради. Қолаверса, бу кўрсаткич банк билан ҳамкорлик қилаётган тадбиркорлар сони бешбартаб ўсётганидан, банкнинг юртимиздаги ҳар бир маҳалла, ҳар бир хонадонга дадил кириб бораётган

ишга жалб этиб, қўшимча ишчи ўринлари яратди. Коллежларнинг кўплаб битирувчилари Сурхондарё, Андижон, Навоий ва Жиззах вилоятларида ҳам "Микрокредитбанк"нинг имтиёзли бошланғич сармояларини олдилар.

Масалан, баъзи битирувчиларнинг кредит учун гаровга қўядиган ашёлари бўлмастлиги мумкин. Буни ҳисобга олган ҳолда, ўз келажакини тадбир-

корлик соҳалари билан бошланғич ҳар бир йигит-қизнинг микросармоялардан яхшироқ фойдаланиши учун банк томонидан барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Айни мақсадлар учун шу кунларда жорий этилган яна бир янгиликни айтиш мумкин бўлади. Яъни банкда жимсоний шахслар ва гуруҳ қафиллиги асосида микросармоялар бериш жорий қилинди.

Бундан ташқари, банк коллежларни битириб, янги рўйхатдан ўтган тадбиркорлар билан бевосита амалий ҳамкорликни бошлади. Унга қўра, Ёш тадбиркорларнинг ишлари мунтазам тафтиш этилиб, зарур бўлганда, керакли консалтинг хизматлари кўрсатилиб, Шу нуктага қараб бошланғич сармоя олган битирувчиларнинг ҳар ўн нафарига битта банк мутахассисини масъул этиб тайинланди.


Баркамол авлод — буюк келажак

Билимни, иқтидорни ва маънавий баркамол ёшлар ҳар қандай мамлакатнинг бебаҳо бойлиги ҳисобланади. "Микрокредитбанк" тадбиркорликни қўллаб қувватлаш сингари фояз долзарб вазифани бажаришга киришган экан, бу ишда замонавий билим асосларини эгаллаб, ўш қадрларга суянади. Чунки замонавий банк хизматлари билан биргаликда ишончли, куч-ғайрат ва юқори савияда муомала маданияти, одоб ва ахлоқ намуналарини талаб этади. Шунга айтиш керакки, айни пайтда банкда хизмат кўрсатиш учун мутахассисларнинг 60 фоизини ёшлар ташкил этиди. Яъни банк тизимидаги "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти аъзоларининг умумий сони 1616 нафарга етди.

Банк ўз тизимига иқтидорли ва қобилиятли ёшларни танлаб олиш учун олий ўқув юртилари билан доимий ҳамкорлик қилиб келди. Бу мулоқот, асосан, учрашувлар, тадбиркорликни ташкил этиш борасидаги сўхбатлардан иборатдир. Аудиторияда танлаб олинган иқтидорли ёшлар қўлига ўқув амалиётларини банкда ўтказиш учун тақдир этилдилар. Бундай ҳамкорлик натижасида 2006 йилдан буён банк тизимида 500 нафардан ортиқ ёш мутахассис ишга жалб қилинди. Уларнинг 100 нафардан ортиғи турли мутахассисликлар

Коллеж битирувчиларига — бошланғич сармоялар

Баркамол авлод йилида касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртилари билан олиб борилаётган мулоқотлар фаоллашди. Яъни билим юртиларини битириб чиқаётган ёшларимизнинг эгаллаган замонавий билим ва кўникмаларини амалда, тадбиркорлик борасида жорий этиши-



Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бугун юртимизда ўз келажакини ўйлаб, шижоат ва қатъият билан меҳнат қилишга чолғанаётган ҳар бир йигит-қиз учун барча имконият эшикларини очиб, Бундан зукко ва изланувчан ёшларимиз оқилона фойдаланиб, қанчалик пойдор ишларни амалга оширишига — оилаларимизга кут-баракат, ҳаётимизга маъназмун, юртимизга фаровонлик, тўқин-сочинлик ва осойишталик кириб келеради.

Биз матбуот хизмати.

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»

ДАВЛАТ
АКЦИЯДОРЛИК ТЕМИР ЙЎЛ
КОМПАНИЯСИ

Темир йўлчилар кўни

муносабати билан тизимнинг барча ишчи-хизматчиларини, ходимларини қутлар экан,
мустақкам соғлиқ, бағсту саодат, хонадонларига тинчлик-хотирасамлик,
дастурхонларига қут-барака, эзгу ва жайрли ишларида муваффақиятлар тилайди.



Жонажон Ватанамиз тараққиёти йўлидаги
фидокорона меҳнатингиз янгидан-янги
зафарларни бахш этаверсин!

Танлов

Маҳаллада маънавий-маърифий тарбияни кучайтириш, миллий анъана ва қадриятларни тарғиб этиш, оилалар тинч-тотувлигини таъминлашда фуқаролар йиғини маслаҳатчиларининг ўрни катта.

МАСЛАХАТЧИ – МАҲАЛЛА ТАЯИЧИ

“Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи” республика кўрик-танловининг Наманган вилояти босқичида бу юксак номга муносиблар аниқланди. Наманган шаҳридаги санъат коллежида ташкил этилган мазкур тадбирда маслаҳатчилар иш фаолияти, улар ишлаётган маҳалла ҳаётини акс эттирган фото-альбом ва ҳужжатлар намойиш этилди. Сўнгра танлов иштирокчилари ўз билим, иқтидор ва тажрибалари бўйича беллашдилар. Танлов якунига кўра, Косонсой шаҳридаги “Сойча” МФЙ маслаҳатчиси Нурхон Ҳафизова биринчи ўринни эгаллади. Наманган туманидаги Теза Қиёт, Янгиқўрғондаги Зарбдор, Наманган шаҳридаги Ўзбекистон маҳаллалари вакиллари — Холпошова Каюмова, Манзура Муртазоева ва Каримахон Мирзалиева кейинги ўринларга лойиқ топилди.

К. НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МЕҲР-МУРУВВАТДАН БАҲРАМАНДА ДИЛЛАР

Рамазон Жондор туманининг “Навработ” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 26-умумтаълим мактабида ўқийди. Болакай оғир юрак хасталигига чалинган боис шифокорлар унинг ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида юрак клапанини жарроҳлик йўли билан олиб ташлашди. Рамазон бугун, гарчанд, тенгдошлари қатори мактабга бора олмаётган бўлса-да, устозлари кўмағида уйда таълим олмақда.

Яқин-яқингача унинг бир орзуси бор эди. Орзуси ушалди. Вилоят “Маҳалла” жамғармаси вакиллари уйига келиб, унга янги компьютер тўпламини топширишди.

— Компьютерда ишлашни жуда-жуда истар эдим, — дейди у. — Ота-онамининг топган даромадлари даволашимга сарфланаётгани учун уларга бу ҳақда айтолмасдим. Энди шёрларимни ўзим ёзаман, уйда ўтириб, интернетга уланиш имконим бор. Дунёда содир бўла-

Савоб

ётган янгиликлардан, жаҳон адабиёти намуналаридан баҳраманд бўлам.

Ҳа, бугун уйда ўз компьютерига эга боланинг холатини тушуниш мумкин. Зеро, ёшларимиз доимо фаол бўлишга, бошқа тенгқурларидан кам бўлмасликка, техника сирларини пухта эгаллашга интиладилар. Шунини инобатга олиб, вилоят “Маҳалла” жамғармаси томонидан болаликдан ногирон, уйда таълим олаётган 14 нафар болага энг сўнги

русумдаги компьютер тўплами совға қилинди.

— Кўмакка муҳтож кишига беминнат ёрдам қўлини узатиш халқимизда юксак инсоний фарзандлари ва жисмоний имконияти чекланган ёшларнинг бошқалар қатори замонавий имкониятлардан баҳраманд бўлиб таълим-тарбия олишлари учун ҳаракат қилаёмиш.

Дарҳақиқат, бугунги кунда вилоят “Маҳалла” жамғармаси томонидан хайрли ишларни амалга ошириш яхши анъанага айланган. Яқинда яна бир савоб юмушга қўл урилди. Яъни уйда таълим олаётган мактаб ўқувчиларига янги чоп этилган бадиий адабиётлар совға қилинди. Бундан ташқари, 400 нафарга яқин отахону онахонлар турли газета ва журналларга обуна қилинди. Мухими, эзгуликка йўғрилган бу каби ибратли ишлар бундан кейин ҳам изчил амалга оширилаверади.

Маҳбуба ХОЛОВА,
Бухоро вилояти

Почта хизмати яхшиланмоқда

“Ўзбекистон почтаси” очик акциядорлик жамиятининг Фарғона вилояти филиали почта хизмати тақомиллаштириш, аҳолининг нафақа пулларини, энг муҳими, обуначиларга матбуот нашрларини ўз вақтида етказиб беришга эътиборни кучайтирмоқда.

Бунинг учун, биринчи навбатда, филиалнинг почта алоқа тармоқлари замонавий алоқа ҳамда почта хизмати воситалари билан жиҳозланаётди.

Яқинда филиалнинг энг чекка ва олис қишлоқларидаги 34 та алоқа тармоғи замонавий компьютерлар билан таъминланди. Энди почта ва алоқа ходимлари барча юмушларни қишлоқлардаги алоқа тизимида туриб бемалол бажаришлари мумкин.

Набижон СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ОБ-ҲАВО

(30 июль)



Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 18-23, кундузи 34-39 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 18-23, кундузи 34-39 даража иссиқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатишмайди. Кечаси 15-20, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилояти. Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 15-20, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 19-24, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари. Айрим жойларда қисқа муддатли ёғим ёғиши мумкин. Тунда 15-20, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 18-20, кундузи 34-36 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

ТАРВУЗ

Тарвуз барча қитъа ва мамлакатларда етиштирилаётган шифобахш неъмат — полиз экинларининг султони ҳисобланади. Унинг асл ватани эса Жанубий Африка.

Тарвуз нафақат суюмли неъмат, балки қатор хасталикларга даво сифатида янада қадрлидир.



Жумладан, у истиско ва сарик касаллигига чалинган беморларга тавсия этилади. Ундан ўт ва пешоб хайдовчи беозор восита сифатида фойдаланилади. “Асрлар донолиги” китобида келтирилишича, тарвуз ортиқча иссиқликдан пайдо бўладиган (кўёш тигиз иссиқлигида сафарда бўлганда) безгакка қарши

фойдали омил ҳисобланади. Шунингдек, у жигарга ижобий таъсир кўрсатади, қони суялтиради ва маромга солади.

Халқ табибати амалиётида тарвуз парижонхотирликда, никриз касаллигида, бўғимларнинг яллиғланишида яхши фойда беради. Шунингдек, тарвуз уруғлари гижжа тушириш хусусиятига эга. Тарвуз ва унинг шарбати пар-

Билиб қўйган яхши

ҳез омил тариқасида атрофлича тавсия этилади. Боиси шуки, бу неъмат ўз таркибиде кўп миқдорда сув, ачил моддалар, темир унсурларини сақлайди.

Ўлкамизда етиштирилаётган “Ҳайит қора”, “Мармар”, “Чинни” ёхуд “Кўзивой” навли тарвузлар, айниқса, шифобахшлиги билан ажралиб туради. Бу тарвузлар тар-

кибиде 11 фоизга қадар қанд моддаси, В1, В2, С, РР белгили дармондорилар, каротин, фолат қислотаси, пектин, темир, фосфор, кальций, магний, калий унсурлари мавжуд.

Замонавий тиббиётда ҳам тарвуз бир қатор хасталиклар давоси сифатида қўлланилади. Чунинчи тарвуз таркибидеги биологик фаол моддалар одам организмида юқумли хасталикларга нисбатан қурашчанлик қобилиятини оширади, қон ҳосил этувчи, овқатни ҳазм қилувчи аъзоларга ижобий таъсир кўрсатади, юрак-қон томир тизими, ички секреция безларининг фаолиятини яхшилайди.

Моннон НАБИЕВ,
доришунос.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан
18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети жамоаси 3-сон академик лицей директори Сирожиддин Жуманазаровга палари бузуқворни САЛОҲИДДИН отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Ботаника” ИИЧМ жамоаси аълология лабораториясининг собиқ мудир, биология фанлари номзоиди Абдусаттор АБДУҚОДИРОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ҳамда яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирад Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 603. 40468 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Тахриратта келган кўлабмазар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахрират жавобгар эмас.

Газета тахрират компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т-Тижорат материал

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи котиб — Ф. Бўтаев.
Набатчи муҳаррир — А. Каримов.
Набатчи — З. Худойшукров.
Мусяхх — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ҲАА якуни — 20.50 Топширилди — 21.20 17 45